

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ ХАФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РОЛИ

Д. З. Ҳасанов

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси
Тиллар кафедраси бошлиғи полковник

Аннотация:

Ушбу мақолада бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган таҳликали вазиятнинг, глобаллашув давом этаётганлиги ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами янада тобора кенгайиб бораётганлиги ва унинг айрим асосий сабаблари масаласи кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, минтақавий мажоролар, қуролли кучлар, ўзаро ва халқаро ҳамкорлик, зиддиятлар, келишувлар, миллий армия, ҳарбий қисм ва бўлинмалар, икки томонлама шартномалар, мамлакат дахлсизлиги.

Ҳеч кимга сир эмаски, давлатимизнинг мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ, мамлакат мудофаасини ташкил этиш ҳамда Қуролли Кучларимиз фаолиятининг ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқиш масалаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони сифатида жиддий аҳамият қаратилди. Ер юзининг барча минтақада юзага келган ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-стратегик вазиятдан келиб чиққан ҳолда ва дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар ривожининг таҳлилидан келиб чиқиб, давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз Қуролли Кучларини ташкил этиш бўйича бир неча меъёрий ҳужжатларни имзоланди. Улардан биринчилар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бош штабининг яратилиши тўғрисида”ги қарорининг имзоланишидир. Уларнинг мақсадлари – босқичма-босқич профессионал миллий армияни яратиш, таркиби бўйича кам сонли, ихчам, бироқ ҳаракатчан, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан жиҳозланган, Ўзбекистон хавфсизлигини

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

мустақил ва ишончли ҳимоя этишга қодир армияни яратиш масаласи мақсад қилиб қўйилганлиги барчамизга аён. Шунинг билан бирга мустақиллик йилларида Ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар халқимиз ва мамлакат ёшлари орасида ҳарбий хизмат нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги “Мудофаа доктринаси тўғрисида” 458-сонли қонуни давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этибгина қолмай, балки, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати қуйидаги принципларга асосланган: бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, бундан ҳарбий тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш ҳоллари мустаснодир; хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, эҳтимол тутилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, агар у ҳарбий-сиёсий блок этиб ўзгартирилса, чиқиб кетиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш; мудофаанинг етарли даражада бўлиши; ҳарбий қурилишнинг замонавий ҳарбий можаролар хусусиятига монанд бўлиши; ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришдан воз кечиш масалалари ҳам таъкидланиб ўтилган. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги шартнома принципларига содиқлик; ўз худудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик; Қуролли Кучларнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда ва ҳарбий можароларда иштирок этмаслиги; халқнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ва ўзига хос маданий тамаддунига таяниш. Сўнги йилларда миллий армияни изчил ислоҳ қилиш Қуролли Кучларнинг қиёфаси, ташкилий тузилиши, қўшинларни бошқариш тизими, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгартирилди, қўшинлар қурол-аслаҳа ва техниканинг энг янги замонавий намуналари билан таъминланди. Шу билан бирга, республикамизнинг геостратегик жойлашуви, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, ҳарбий округлар ва қўшинларнинг тузилиши ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Қолаверса, қўшинларни қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг энг замонавий намуналари билан таъминлаш бугунги кунда миллий армияни олдига қўйган асосий мақсад ва шиорлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси амалда



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ўзининг замонавий, ихчам, ҳаракатчан, мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, сарҳадларимизнинг дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эгадир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тинчлик ва шукроналик даврида Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш воситаларидан бири ҳисобланади, уруш даврида эса Қуролли Кучлар давлат хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш вазифаларини тўла бажаришга қодирдир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳорати, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги ва қобилиятини реал ошириш, кўшинлар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлигини ташкиллаштириш тизимини такомиллаштириш борасида мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган таҳликали вазиятнинг, глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг оқибатида жаҳондаги вазият мураккаблашиб, танглик ўчоқларининг глобал миқёсда кескинлашувига ҳамда янгилари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шундай бир глобаллашув шароитларида ҳарбий хавфсизликни таъминлашда Қуролли Кучларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятининг 90-мақсад: Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш.** Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг кўшинлар кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлаш. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуролли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш. Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш. Қуролли Кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

рақамлаштиришни янада такомиллаштириш. Куролли Кучларда ягона ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Мудофаа вазирлиги кўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштириш. Фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштириш. Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш. Мудофаа вазирлиги кўшинларида раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини яратиш тизимини ривожлантириш. Мудофаа вазирлиги тизимида геральдика ишларини самарали йўлга қўйиш. Кўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш.

91-мақсад: Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш. Куролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш. Куролли Кучларда ахлоқий-руҳий таъминотни ва ҳарбий психологлар институтини янада такомиллаштириш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳиятини ошириш бўйича чоратadbирларни белгилаш. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тadbирларини янада кучайтириш. Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида мавжуд хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар иш фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган.

Марказий Осиёда осойишталик ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йулида минтақа давлатлари томонидан фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Марказий Осиёни тинчлик ҳамда яхши кўшничилик ҳудудига айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳам устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, бугунги глобал таҳдид манбалари кўпайиб бораётган даврда, Марказий Осиё ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш минтақа давлатларининг олдида турган энг асосий вазифалардан бирига айланди ва давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт ва транзит-логистика, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, давлат чегараларига доир масалаларни якунига етказиш, сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш, халқлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатларини Фмустаҳкамлаш каби йўналишлар ривожлантирилмоқда.

